

2024 ЙИЛ - ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

Assalomu alaykum, azizlar!

MARKAZIY FARG'ONA

YOZYOVON
TUMANI
HOKIMLIGINING
GAZETASI

Хар бир давлат
органи кундалик
фаолиятида
ОАВ билан
яқин
мулоқот ва
ҳамкорликни
йўлга қўйиши
зарур ва шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Gazeta 1953-yil 9-iyuldan chiqqan boshlagan

www.markaziyfargona.uz

2024-yil, 31-yanvar, chorshanba № 3 (7575)

Республика ишчи гуруҳи фаолиятидан

МАҚСАД: ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

Аввал хабар қилганимиздек, туманимиз аҳолиси мурожаатлари ва уларни қўйиб қўйиб кўриб қўриб муаммолари юзасидан республика ишчи гуруҳи томонидан "қизил тоифадаги" МФИларда ўрганишлар олиб борилди. Мақсад МФИлар ва ижтимоий соҳалардаги муаммолар, фуқаролар бандлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда олиб

борилаётган ишлар ўрганилиб, ечим топиш ва чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, ишчи гуруҳ томонидан Ижодкор ҳамда Тараққиёт маҳаллаларида ижтимоий-маънавий муҳит, аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш каби бир қатор масалалар ўрганилди.

Давоми 2-бетда.

Туман кенгаши сессияси

ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛИ

Олтинчи чақирғи халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги саксон иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан белгилаб берилган режа-жадвал асосида ўтказилган сессияда туман кенгаши депутати Алижон Мирзакаримов очди ва олиб борди.

Сессияда туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, кун тартибдаги масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Сессияда тўртта секторда "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, "Темир", "Аёллар", "Ёшлар дафтар"ларидан чиқариш, бунда айниқса аҳоли, шу жумладан хотин-қизлар, ёшларни, битирувчилар ва хориждан қайтган фуқароларни бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни

ривожлантириш бўйича ишларни кучайтириш юзасидан 2023 йил 2-ярим йиллигига мўлжалланган "йўл харитаси"нинг 4-чорак ижроси юзасидан ахборотлар тингланди.

Шунингдек, туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Улуғбек Тошпўлатов "Ёзёвон туманида 2023 йил давомида жамоат хавфсизлигини сақлаш бўйича амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан", туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Алишер Ғуломов "Давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати юзасидан" ахборот беришди.

Сессия кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ

Томорқа — кони фойда

Ёзёвон туманида 20035 нафар томорқачи бўлиб, улар ихтиёридаги экин майдони 2287 гектарни ташкил қилади. Томорқасидан яхши даромад топаётганлар талайгина.

Хусусан, Қорасоқол МФЙ Навруз кўчасида яшовчи Муқаддасхон Жўраева бунга мисолдир. У 12 сотих ерга саримсоқ пиёз экиб, парваришламоқда. Бу экиннинг 1,5 сотихи иссиқхонада. Хонадоннинг томорқасига кирган одамнинг ҳаваси келади. —Томорқадан кам бўлмадик, — дейди Муқаддасхон Жўраева. —Топган даромадимизга уй-жой, тўйлар қилдик. Бу йилги экинимиздан ҳам яхши фойда кўзлаб турибмиз.

Бу хонадондагилар ҳозиргача 12 сотих саримсоқ парвариши учун 10 млн сўмдан зиёдроқ маблағ сарфлашди.

Хонадонда туман фермер томорқа ер эгалари кенгаши агрономи Азизбек Жобиров



БАРАКАЛИ ҲОСИЛ КУТИЛЯПТИ

билан бўлди. Мутахассиснинг айтишига кўра, 1 сотих саримсоқ пиёздан 1000-1200 кг ҳосил олиш мумкин. Бу айти пайтда бир кг саримсоқ пиёзнинг бозордаги нархи 30-40 минг сўм атрофида.

Даромад ҳам шунга яраша бўлади. Хулоса қилиш ўзигиздан...

Бекорга халқимиз томорқани кони фойда, дейишмайди-да.

Аҳмаджон РАҲМОНҚУЛОВ.

ЯНГИ БЎСТОНДА СПОРТ ЗАЛ



Туманнинг олис маҳалла-ларидан бири Янгибўстон ҳисобланади. Маҳалла 1982 йилда атоқли давлат ва жамоат арбоби, йигирма уч йил республикага раҳбарлик қилган Шароф Рашидов ташаббуси билан ташкил топган.

Сўнгги йилларда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасида бир қанча давлат дастурлари амалга оширилди. Жумладан 2021 йили 60 ўринга мўлжалланган 25-ДМТТ биноси қурилган. Бугун маҳалла аҳли яна бир хурсандчиликнинг гувоҳи бўлишди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги

қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси доирасида мактабга "Фурқат Дурдона бизнес" МЧЖ томонидан 1 млрд. 169 млн. сўм маблағ сарфланиб, маҳалладаги 33-мактабга 9х18 ўлчамдаги спорт зал қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Спорт зал очилиш маросимида Жаҳон банки миссияси, туман ҳокимлиги, ММТБ, мактаб жамоаси, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Мирзохид Хатамов ушбу қурилган спорт зал фарзандларимизнинг, маҳалла аҳлининг спорт билан

шуғулланишлари учун катта имконият бўлганини, узоққа бориб шуғулланишларига барҳам берилганини таъкидлади. Маҳалладан чемпионлар чиқишини тилаб, дуолар қилинди. Лента қирқилиб, рамзий калит топширилди.

Меҳмонлар спорт залида яратилган шароитлар билан танишиб, мактаб ўқувчиларининг турли чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

Шунинг билан туман мактабларидаги спорт зали сони 32 тага етди. Муборак бўлсин!

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

Республика ишчи гуруҳи фаолиятдан

МАҚСАД:
ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

1. Жумладан, Ижодкор МФИдаги 19-мактабнинг яроқсиз ҳолга келиб қолган ҳожатхонаси бузилиб, янгидан қуриш ишлари бошланди.

5-ДМТга 2 та кондиционер ўрнатилди. Кам таъминланган Б.Алимқуловага совутгич, С.Хушмуродовага пиширик печи топширилди.

Тараққиёт МФИда истиқомат қилувчи Анваржон Эргашев хонадони ҳовлиси ободонлаштирилиб, чиқиндилардан тозаланди. Яшаш хонадонига 3 та эшик ва 3 та пластик ромлар ўрнатилди. Уйни таъмирлаш учун қум, оҳак, алебастр каби қурилиш материаллари олиб келиниб, сувоқ қилинди. Хонадоннинг томорқаси шудгор қилинди. Оилага соғин сигир берилди.

7-ДМТнинг канализация тармоғи тозанланиб, электр-энергияси таъминоти борасида муаммо бартараф этилди.

92-оилавий поликлиниканинг яроқсиз ҳолга келган иситиш тизими радиатори янгиланди. Ёшлик МФИ Соҳибқирон

кўчасида яшовчи Рўзихон Абдурасулова ва Марказий Фарғона МФИ Дўстлик кўчасида яшовчи 83 ёшли фуқаро Мўйдинжон Келдиевга ногиронлик аравачалари топширилди.

4 та маҳалладаги 367 та хонадонга суюлтирилган газ балонлар етказиб берилди.

Ижодкор ва Тараққиёт МФИдаги 4 та кам таъминланган оилалар ўрганилиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари етказиб берилди, 19-, 24-, 26-мактабларга спорт жиҳозлари топширилди.

Асосий мақсад халқ розилигини таъминлашга қаратилган ўрганишларда аниқланган муаммоларнинг айримлари жойнинг ўзида ечим топган бўлса, қолганларини ҳал этиш юзасидан аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, ижроси назоратга олинмоқда.

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

Маҳаллада дув-дув гап!

ТАДБИРЛАР
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, келажақ авлодни миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссида камол топтириш мақсадида Ёзёвон тумани ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинларида "Маҳаллада дув-дув гап" тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

28- болалар мусиқа ва санъат мактабида 2024 йил – "Ёшлар ва бизнесни қўллаб қувватлаш йили" давлат дастури мазмун моҳиятини кенг жамоатчилик вакилларига етказиш ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида, тумандаги барча маҳалла ходимлари иштирокида навбатдаги тадбир ташкил этилди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари Мирзохид Хатамов сўзга чиқиб, бугунги кунда ёшлар таълим-тарбияси ва юртимизда олиб борилаётган ислохотларга шукроналик кайфиятини уйғотиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида сўз олганлар томонидан иштирокчиларга янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва эришилаётган ютуқлар аниқ ҳаётий мисоллар асосида, содда ва тушунарли тарзда етказилди.

**Рўзимухаммад ҲОШИМОВ,
Маънавият-маърифат
маркази туман бўлими
раҳбари.**

Семинар

ЯНГИ ТИЗИМ

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан семинар ўтказилди.

кунга келиб, "еттилик"ка айланди.

Кўргазмали тарздаги семинарда Баҳор МФИ раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси сўзга чиқишиб, янги тизим бўйича ўз дастурларини баён қилдилар.

Туман ҳокими ўринбосари Мирзохид Хатамов, вилоятдан вакил Тоҳир Норматов семинарда сўз олишиб, маҳалладаги янги тизим бўйича ислохотларни ҳар бир хонадонга кириб боришида раислар, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспектори, ижтимоий



28-болалар ва мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳоким ўринбосарлари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчилари қатнашдилар. Мазкур фармон ва қарор билан маҳаллада янги иш тартиби жорий этилди. Дастлаб, "бешлик" тарзида ташкил этилган фаолият бугунги

ходим, солиқ инспекторлари бошини қовуштириб, хонадонбай муаммоларни ўрганиб, раҳбарлар олдида аниқ масалалар қўйиб, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул ва жавобгар бўлиши кераклигига эътибор қаратдилар.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ.

ҚИШ
БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

Марказий Фарғона ММТПдаги "Мезон" фермер хўжалигида қишқи дала ишлари, қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга тайёрлаш, бошоқли донни озиклантириш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари Алибек Турсунов, туман сектор раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари қатнашдилар.

Вилоят ҳокими ўринбосари ғаллага минерал ўғит заҳирасини яратиш, далага маҳаллий ўғит жамғариш,

ариқларни бетонлаштириш, пахта қатор орасини 76 схема усулида экиш учун техникаларни сошлаш бўйича гапирди. Агротехник тадбирларни вақтида ўтказиш, техникаларни мавсумга тайёрлашга келишиб олинди.

Туман ҳокими ввб Ақрамжон Эралиев, фермерлар кенгаши раиси Абдор Солиев иш боши интизом эканлигига эътибор қаратишиб, фермерларни бунга амал қилишга чақирдилар.

Аҳмаджон РАҲМОНҚУЛОВ.

ҚУЛАЙЛИКЛАР
ЯРАТИЛМОҚДА

Ёзёвон туман ИИБ М ва ФРБ ходимлари аҳоли вакилларига қулайлик яратиш мақсадида, ногиронлиги бор, ёши улуг, яқка-ёлғиз кексаларнинг хонадонларига ташриф буюришиб, уларга қулайликлар яратишмоқда.

Хусусан, туманимиз фуқаролари Раҳимахон Турғунова ва Исақ Норматов хондонларига

бўлимимиз ходимлари боришиб, ўз уйларида ID карта (паспорт) расмийлаштирилди.

Ушбу фуқаролар яратилаётган қулайликлардан мамнун бўлишмоқда.


**Зухриддин ШУМҚОРОВ,
туман ИИБ М ва ФРБ
катта инспектори.**

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТЛАРИ

2023 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси қабул қилинди. Унда "инсон – жамият – давлат" тамойили устувор этиб белгиланиб, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун ва олий қадрият эканлиги эътироф этилди.

Конституциясининг муқаддимаси, "Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб", деган сўзлардан бошланади. 10-боби инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларига бағишланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи нормалар уч барабар кўпайди.

Хусусан, 54-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги, давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши, 56-моддасида давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шароитлар яратиши, 55-моддасида ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган



бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақлиги кўрсатиб қўйилди.

Конституциядаги мутлақо янги нормалардан яна бири 57-моддасида акс этиб, унга кўра меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ушбу нормалар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг давлат кафолатларини мустаҳкамлаш имконини, шунингдек халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш ва халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантириш учун шароитлар яратди.

Беҳзод ХАЙДАРОВ,
вилоят судининг судьяси.

МАЪМУРИЙ ЖАРИМАЛАР САРҲИСОБИ

Йўл ҳаракати қоидалари бўйича ҳуқуқбузарларга "маъмурий жарима қўллаш ҳақида"ги қарорлар ижросини таъминлаш мажбурий ижро бюросининг асосий вазифалардан биридир.

Зеро, ундирилган маъмурий жарималарнинг тенг ярми "Аёллар", "Ёшлар" ва "Темир" дафтарларга бюджет ҳисоб рақамлари орқали тўғридан-тўғри тақсимланади.

Бюронинг туман бўлими томонидан 2023 йил давомида дафтарларга жами 1 млрд. 764 млн. сўм пул маблағлари йўналтирилганлиги бунинг исботидир.

Тумандаги бюро ҳодимлари

ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 2023 йил давомида 3 минг 432 нафар қарздорлардан маъмурий жарималар ундирилиб олишга эришилган.

Бундан ташқари 1 271 та автотранспорт воситаларига қидирув эълон қилиниб, туманда ўтказилган "AUTOCON" тадбирларида 122 та автомашина ушланиб, жарима майдонига олиб кирилиши натижасида маъмурий жарималар тўлиқ ундирилди.

Абдуҳафиз САТТАРОВ,
МИБ туман бўлими бошлиғи.

"МЕҲР ВА САХОВАТ" ДАРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги фармонининг 14-бандига асосан ҳафтанинг ҳар жумаси меҳр ва саховат куни, деб белгиланган. Шу муносабат билан барча таълим муассасаларида ҳар жума куни меҳр ва саховат дарслари ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, 16-мактабда ҳам ушбу кун ўзгача тус олмоқда. Мактабимиз ўқувчилари синф соатларида устозлари билан биргаликда қишлоғимиздаги кексалар ва фахрий устозлар ҳолидан хабар

олиб, уй юмушларида уларга кўмаклашмоқдалар. Бундан ташқари ўзларининг ушбу мавзуда яратган ижодий ишлари билан бошқаларни ҳам меҳр ва саховатли бўлишга ундамоқдалар. Биз инсонпарварлик руҳида тарбияланаётган бундай ёшларимизни келажакда албатта, меҳр ва саховатли, комил инсон бўлиб етишишларига ишонамиз!

Одинахон АБДУКАРИМОВА,
16-мактаб бошланғич синф
ўқитувчиси.

Муносабат

БИР САФДАМИЗ

"Марказий Фарғона" газетасида берилган "Биргаликда курашайлик" мақоласини ўқиб, қўлимга қалам олдим.

Катталаримизнинг бир гапи бор. "Тинчлигимизга, ноз-неъматларга шукр келтиришни ҳам билгин". Бу гап қанчалар муҳим эканлигини дунёда бўлаётган тўс-тўпалон, тартибсизликларни ижтимоий тармоқларда кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Қаерлардадир уруш бўляпти. У ердаги инсонларнинг энг катта орзуси – тинчлик, фақатгина ўлмай қолиш, қандай бўлмасин яшаб қўлишидир.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқарога у хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, давлатимиз томонидан эътиборда. Ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда. Маҳаллаларнинг роли кучайтирилиб, ҳар бир хонадонга кириб борилиб, муаммолари аниқланса, ечим топилмоқда.

Туманимиз раҳбарларининг қабулларида кўп қатнашамиз. Фуқароларнинг аксарияти доимий иш билан таъминланиш бўйича мурожаат қилишади. Уларга мутахассислиги ёки қўлидан қандай иш келишига қараб, иш таклиф қилинади. Кўпчилиги бу орқали ишли бўлишди, ишлашяпти ҳам. Лекин шундай фуқаролар борки, иш таклиф қилинса, турли ваъжлар

қилишади. Ишлашни хоҳлашмайди. Мақсадлари, ниманидир ундириш.

Давлат ишида ишлайдиганлар, пенсионерлар яхши эслашади. Бундан 8-10 йиллар олдин маошларини пластик картада олишган. Пулларини қўштирноқ ичидаги тадбиркорларга 15-20, ҳатто ундан юқори фойзаларга нақд пулга айлантиришган. Ҳозирчи, банкларнинг пул ечиш шаҳобчаларини исталган манзилдан топиб, нақдлаштиряпмиз. Ҳатто, энди одамлар пулларини пластик картада сақлашни афзал кўришяпти. Чунки банкка бормасдан, ҳар қандай тўловни электрон амалга оширишимиз мумкин. Бу ҳам юртимизда технологиялар ривожланганининг бир далилидур.

Президентимиз томонидан юртимизда катта ислохотлар олиб борилмоқда. Бу албатта, ўз самарасини беришяпти. Барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Буларга шукроналик келтириш керак. Ҳаракат қилган одам борки, мақсадига етаяпти. Қачонки ўзингиз ишлаб пул топсангиз, мазали ва баракалироқ бўлади.

Биз нуронийлар туманимиз фаоллари билан боқимандаликка қарши курашда бир сафдамыз.

Обиджон ИСАҚОВ,
"Нуроний" жамғармаси
туман бўлими раиси.

Рўйхатга олиш жараёнида демографик хусусиятларни аниқлаш

Аҳолининг "жинси", "ёши" ва "никоҳ ҳолати" демографик хусусиятлари турли хил ижтимоий-иқтисодий ва демографик масалаларни тушунишга ёрдам бериш учун рўйхатга олиш бошқа маълумотларини таснифлаш ва уларни тақдим этишда муҳим ҳисобланади. Жинс ва ёшга келсак, бу маълумот рўйхатга олиш доирасида сўров билан қамраб олинмаган ҳар бир шахс бўйича маълумот ийғилиши шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда, бундай маълумотлар тугалланмаган ҳолларда, "аниқланмаган" жавоб вариантини олдини олиш мақсадида шартли ёки қўшимча белгилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Рўйхатга олиш миллий даражада туғилишни баҳолашни самарали тарзда ҳисоблаш учун маълумотларни тўплаш имконини беради. Рўйхатга олиш доирасида туғилишни ўрганиш аҳолининг табиий ҳаракати статистикасининг ишончли тизимига эга бўлмаган мамлакатларда, унинг маълумотларини ҳисоблаш учун тақдим этиш имконияти туфайли бошқа ҳолларда мумкин бўлмаган аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларини ололмаслиги учун жуда муҳим ҳисобланиб, ҳатто туғилишни тўлиқ рўйхатга олиш тизимига эга мамлакатлар ҳам, баъзи бир саволларни ("тирик туғилган болалар" сони, "яшаётган болалар", "никоҳга кириш ёши") қўшиш фойдали ҳисобланади. Негаки, регистр маълумотларида мавжуд бўлмаган маълумотларни, жумладан, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини акс эттирган жадвалларни олиш имконини беради.

Алишер АРАПОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

ФАРҒОНА АҚЛЛИ ШАҲАР БЎЛИШИ МУМКИН(МИ?)

Дунёдаги 2 667 417 шаҳарнинг ҳозирда атиги 165 таси ақлли шаҳар ҳисобланади. Замонавий шаҳарнинг ақлли шаҳар унвони учун курашиши анча обрўли ва иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ.

Замонавий ақлли шаҳарнинг асосий ғояси жуда оддий-фуқаролар унда яшаш учун жуда қулай бўлиши керак. Шаҳар корхоналари самарали ишлаши ва ҳокимият шаҳар муҳитини осон ва самарали бошқариши керак.

Шаҳар инфратузилмасининг қайси жиҳатлари шаҳарни ақлли, деб таснифлашга имкон беради?

Dubay (БАА) – 2013 йил ўзи юрар транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳукумат, бизнес ва мижозлар тўғрисидаги маълумотлар ва операцияларни тўлиқ рақамлаштириш ҳамда фуқароларга давлат хизмати орқали аризалар бериш учун 5000 та уланиш нуқталарини тақдим этилгани;

GIFT City (Ҳиндистон) – 2022 йилда марказлаштирилган туман совутиш маркази ва қаттиқ чиқиндиларни йиғишнинг автоматлаштирилган тизими қўлланилгани;

Исфаҳон (Эрон) – ходимларни бошқариш ва транспортнинг ягона тизими яратилгани;

Шанхай (Хитой) – фуқароларнинг саёҳатларини, шунингдек тезкор жавоб бериш марказининг ишини видео ёзуви яратилгани;

Таурей (Тайван) – 2016 йилда фуқароларга зарур инновацион технологиялардан фойдаланиш имконини берувчи электрон бизнес ҳамкорларини қидириш платформасидан фойдаланиш мавжудлиги;

Брисбен (Австралия) – шаҳар бўйлаб ҳаво сифати ёки атроф-муҳит шовқини каби муҳим маълумотларни кузатиб борадиган устунларни ўрнатиш лойиҳасини бошлагани. Улар тўплаган маълумотлар бўлиб, шаҳар кенгаши томонидан бутун шаҳар бўйлаб ишларни яхшилаш учун ишлатилади. Ушбу устунлар, шунингдек кўча чироқларида ҳам бўлиб, мунтазам хизмат қилади ва зарядлаш учун розеткаларга эгаллиги;

Amsterdam (Нидерландия) – 2009 йил шаҳар шароитида бир қатор уйлар ақлли энергия ҳисоблагичлари билан жиҳозланган (шу билан бирга энергия сарфини фаол равишда камайтирадиганларга имтиёзлар берилган) ва қўшимча равишда муниципалитетларга кўча чироқларининг ёрқинлигини ҳамда ақлли шаҳар трафигини бошқаришга имкон берадиган мослашувчан ақлли кўча ёриткичлари бошқарув йўлга қўйилган, унда шаҳар реал вақт режимида трафикни ва маълум йўللарда жорий саёҳат вақти ҳақидаги маълумотларни кузатиб боради. Ҳайдовчилар томонидан энг яхши йўналишни танлашлари учун эфирга чиқарилиши;

Barcelona (Испания) – сенсор технологияси Park del Center De Poblenow суғориш тизимига киририлган, у ерда боғдорчилик бригадаларига ўсимликлар учун зарур бўлган сув миқдори, илиқлик даражаси тўғрисида реал вақтда маълумотлар узатилади ва бундан ташқари – Барселонадаги энг кенг тарқалган автотранспорт оқимлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида янги автобус тармоғи тизимини ишга тушириш, асосан вертикал, горизонтал ҳамда диагонал маршрутлардан фойдаланган ҳолда,



бир қатор алмашинувлар билан, автобуслар яшил чироқлар сонини оптималлаштириш учун мўлжалланган маршрутлар бўйлаб ҳаракатланадиган ақлли светофорларни жорий этилган.

Бундан ташқари, Барселонада фавқулодда вазият ҳақида хабар келганида, тез ёрдам машинасининг тахминий йўналиши светофор тизимига кириштилади, Давлат хизмати ва транспорт воситаларини бошқариш дастурлари комбинацияси орқали автомобил яқинлашганда барча чироқлар яшил рангга ёнади. Бу эса фавқулодда хизматларга воқеа жойига кечикмасдан етиб бориш имконини беради. Ушбу маълумотларнинг аксарияти Sentilo платформаси томонидан бошқарилади.

Машҳур шаҳарларда ҳақиқатдан ҳам бундай ёндашув аллақачон шаҳар инфратузилмасининг барча мавжуд элементларини: шаҳар транспорти, соғлиқни сақлаш ва таълим объектларидан тортиб, шаҳар инфратузилмаси элементларигача боғлайдиган рақамли экотизим орқали амалга оширилмоқда. Ушбу молиявий, иқтисодий интеграция мушкул бўлмагани боис, кўплаб сенсорлар, дастурий таъминотни бошқариш (ақлли тизим) ва уларни боғлайдиган интернетдан кенг фойдаланиш туфайли юзага келади.

Ақлли шаҳарнинг асосий кўникмаларидан бири бу унинг аҳолиси билан ҳар дақиқада доимий мулоқот қила олиши ва уларнинг хоҳишларига қараб, кундалик жараёнларни созлай олишидир. Шу билан бирга, ақлли шаҳар ўз ресурсларини, энергиясини, маконини ва маълумотларини автоном равишда бошқариши мумкин. Бу эса шаҳар аҳолиси ҳаётини яхшилашнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Фарғона шаҳрига таклиф этилаётган инновацион лойиҳамиз (3 йилга мўлжалланган) шаҳар ҳаётини ташкил этишнинг қуйидаги ақлли йўналишларини ишлаб чиқиш ва кейинчалик шаҳар муҳитига жорий этишни ўз ичига олади:

- ақлли яшил энергия ва сув истеъмоли;
- ақлли автомобил йўллари (биринчи навбатда светофорлар);
- ақлли кўчалар ва ақлли ҳовлилар (ёритиш, Wi-Fi нуқталари, маълумот тахталари, ҳокимият билан 24/7 алоқа);
- ақлли соғлиқни сақлаш (аҳолига тиббий-психологик ёрдам кўрсатишнинг онлайн тизими, шунингдек ихтисослашган

ташкilotлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг очик шаҳар тизими, уларнинг реал вақтдаги нархи ва сифати);

– ақлли таълим (таълим сифатини яхшилаш);

– ақлли спорт (ўйин қоидаларини назорати).

Ҳар бир бундай ақлли йўналиш учун лойиҳанинг "йўл харитаси"га мувофиқ инвестиция лойиҳасининг тегишли техник асослари ишлаб чиқилади. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш учун ариза – ихтиро учун патентлар ишлаб чиқилади ва интеллектуал мулк агентлигига тегишли гувоҳнома олиш учун топширилади.

Лойиҳа Фарғона университетларидан бири (кўнгилли талабалар, дастурчилар ва маъмурий инновацион имкониятларга яқинроқ, масалан шаҳар атроф-муҳитининг инновациялар ва смарт технологиялари бўйича проректори шаклида) асосида ишлаб чиқишли режалаштирилган. У Фарғона олий таълим муассасаси ректори ва ҳокимият томонидан буйруқлаштирилади.

Вақт бўйича:

2024 йил – шаҳар муҳитини такомиллаштиришнинг ҳар бир ақлли йўналишини ривожлантириш концепциясини танлаш ва амалга оширишнинг техник масалаларини ишлаб чиқиш, интеллектуал мулк учун аризаларни Республика интеллектуал мулк агентлигига, патент идорасига топшириш;

2025 йил – ақлли йўналишларни табиий ўрганиш ва ақлли бошқарув тизимини ишлаб чиқиш;

2026 йил – инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва инвесторларни қидириш.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали Фарғона шаҳри ақлли шаҳарлар гуруҳига кириши мумкин. Аҳоли янада қулай шаҳар муҳитига эга бўлади. Ҳокимият эса шаҳар аҳолисининг фикр-мулоҳазалари билан шаҳар ҳаётини бошқаришнинг самарали ва иқтисодий механизмини самарадорлигидан фойдаланишга эришади.

Александр ВОРОБЬЕВ,
Фарғона жамоат саломатлиги
тиббий институт проректори,
техника фанлари доктори.

Жамолiddин МАМАСАИДОВ,
шу институт кафедра мудири,
тиббий фанлари доктори.

Крилл ВОРОБЬЕВ,
Россия Халқлар дўстлиги
университети аспиранти.



Бош муҳаррир
Азимжон
худойқулов

Фарғона вилоят
матбуот ва
ахборот бошқар-
масида 2007 йил 9
январда
12-011 рақам билан
рўйхатдан ўтган.
Бичими А-3.

ISSN 2010-7986



Газета ҳафтада бир
марта чиқади

Газета
тахририятига
юборилган
сурат ва
қўлёзмалар
қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
150600, Ёзёвон
шаҳарчаси,
Мустақиллик
кўчаси, 1-уй

ТЕЛЕФОН:
(73) 412-15-75

Навбатчи:
Раҳматилло
шодмонов

«ZAKOVAT
NASHRIYOT UYI» МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили:
Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси-17

Бичими: А-3.
Адади: 2655
Нашр
кўрсаткичи:488.

Буюртма № ____
Босишга
топшириш вақти:
20.00.
Топширилди:
18.00.

Газета сифати
учун босмахона,
масъул.
Сотувдаги баҳоси
эркин нархда.
© -тижорат
материали